

Таникли адабиётшунос олим мархум Бегали Косимовнинг куйида илк бор эълон килинаётган ушбу маколаси ёш авлод тарбиясида Ватан туйгусини шакллантириш масалаларидан баҳс этади.

Ёш авлод тарбиясида тил ва адабиётнинг роли нечогли эканлиги, ўйлайманки, изохга муҳтож эмас. Инсоннинг кўз очиб кўрган уйига, ота-она ва кардошларига меҳру муҳаббати она сути билан киргани каби, эл-юртига муносабати, биринчи навбатда, она тили ва адабиёти оркали шаклланади. Бугина эмас. Тил хар бир миллатнинг миллат бўлмогида биринчи унсурдир. Адабиёт ўз оти билан “адаб”, яъни одобдир, тарбиядир. Оталаримиз бу масалаларга алоҳида эътибор билан караганлар ва жамият тараккиётида лозим мавкеъ-марtabани бериб келганлар. Тил ва адабиётнинг мавкеи миллатнинг мавкеи билан хамиша тўгри нисбатни ташкил этган. Миллатнинг кудрати ва нуфузи ошса, у хам ошган ва, аксинча, тушса, у хам тушган. Бирок хар кандай холда хам Ватан ва Миллат номи мукаддас келган. Ислом маданиятининг, мусулмон ахлокининг тамал тошларидан бўлган хадиси шарифлардан бири “Ватанни севмак иймондандир” (“хуббул ватани мин ал иймон”), деган хадис эди.

Адабиётимиз босиб ўтган йўлга бир кўз ташлайлик. Милоднинг 732 йилида Йўллуг Тигин “Кул Тигин” битигида битади: “Турк, ўгуз беклари, эй халқ, эшит! Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, хукуматингни ким бузди?”

Навоийни эслайлик:

Аёнким, ватан узра то жони бор,  
Киши харб этар токи имкони бор, —

Яъни инсон тирик экан, ватани учун курашади, деб ёзган эди буюк шоиримиз. Замоннинг зарбалари билан она юртини тарк этишга мажбур бўлган Захириддин Бобурнинг бутун умри Ватан хасрати билан ўтди.

Сендин бу кадар колди йирок, ўлмади Бобур,  
Маъзур тут, эй ёрки, таксир килибдур, —

деб ёзган эди у олис Хиндистондан. Яъни: Сендан шу кадар узокда колиб хам Бобур ўлмади. Сен уни ўлмагани, “таксир килгани” — хато килгани учун кечир, “маъзур тут”. Холбуки, Бобур ўшандаги камдан-кам кишига насиб этадиган шавкатли салтанат эгаси эди. “Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон, Манга на гам колур...”, — дейди XX аср бошидаги ўзбек маърифатпарвар адабиёти вакили Абдулла Авлоний. Унинг замондоши шоир Таваллода эса: “Бу ватандандур бадан”, деган ташбихни учратамиз:

“Ватан, менинг бор кисматим шу бир сўзда хал” —

дейди бугунги шоиримиз Абдулла Орипов ва “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” деган савол кўяди.

Дарҳакикат, нега Ватанни севадилар? Нега уни иймон кадар юксак тутадилар? Нега барча гунохларни кечириш мумкин-у, ватанга хиёнатни кечириб бўлмайди? Чунки у она

сингари танходир, ягонадир. Чунки у биз кўз очиб кўрган дунёмиздир. Биз вояга етган маъводир. Тог-тошидан ер-сувигача, сабза-гиёхидан дов-дараҳтигача умримизга жон кадар пайванд. Чунки у бизнинг ёшлигимиз, биз орттирган дўстлар, илк мухаббатимиз, кувончларимиз, ташвишларимиз, баҳтили-баҳтсиз онларимиздир. Бу тупрокда бизни дунёга келтирган, аклу маърифатимизни бугунги даражага олиб чиккан, шаъну шукухимизни дунёга намойиш этган ота-боболаримизнинг хоки поклари ётибди. Шунинг учун хам уни саждагоҳ атайдилар.

Ватанинни севмок ундан шунчаки кувонмок, гурурланмок эмас. Уни дил-дилдан англамок, у билан нафас олмок, у билан яшамоқдир. Уни яшнатмок, обод этмок, у учун курашмоқдир. Афсуски, XIX асрнинг 60-йилларида ватан билан бирга ватан мухаббати хам биздан тортиб олинган эди. Сўнг XX асрнинг етмиш йили давомида бу туйгу пояма-поя синдириб келинди. Миллат, ватан тушунчалари социалистик мағфурага мослаб чикилди. “Биз — совет халкимиз”, “СССР — бизнинг ватанимиз” деган соҳта тушунчалар онгларга сингдирилди. Юрий Долгорукийдан Зоя Космодемянскаягача меҳр билан ўргандик. Лекин Амир Темурни танимадик. 1917 йил воқеаларини “Юрт кайгуси” сифатида кутиб олиб, халк дардини дилдан хис этган ва истиклол йўлида жонларини фидо килган оталаримиз “халк душмани” сифатида йўқ килиндилар. Нихоят, социализм йикилиб, у билан боғлик тушунчалар тумандай таркала бошлагач, хамма нарса яна аслига кайтди. Бизнинг Ватанимиз кўп минг асрлик тарихга эга бўлган, жаҳон цивилизациясининг чорраҳасида келган, ўнлаб илм-фан доҳийлари билан башарият тафаккурини ёритган, жаҳонгир саркардалари билан олам харитасига неча бор туб ўзгартишлар киритган табаррук Ўзбекистон эканлигини бугун дадил айтмоқдамиз.

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгил, десалар менга,  
Шоирона гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим киласман она халкимга, —  
деб ёзади Абдулла Орипов.

Дарҳакикат, миллат (халк) тушунчаси хамиша ватан билан ёнма-ёндир, мисоли жисму жондир, бирини бирисиз тасаввур килиб бўлмайди. Миллатимизнинг эса, ўлмай-йтмай, йўқолмай-ютилмай асрлар оша бархаёт келишини таъмин этган, бугун хар биримизнинг томиримизда кайнок кон бўлиб окиб турган бетимсол анъаналари бор. 1924 йилда мустамлака Туркистони беш бўлакка бўлиниб, бири-бирига кайраб кўйилганида, ўлка ва унинг халкини яхши билган олимлардан бири шундай ёзган эди:

“...Баъзи одамлар тобе туркларнинг, хусусан туркистонликларнинг миллий харакати хали жуда ибтидоий боскичдалигини, инглиз, немис ва рус миллатларининг бутун янги давр тарихини агдар-тўнтар килган кудратли миллий шуурлари, миллий маданиятларининг улугворлиги каршисида ўрта осиёликларнинг довдираб колишларини, бир кун ўз тақдирларини ўзгартириш имкони тугилганида хам ундан фойдалана олмаяжакларини сўйлайдилар. Лекин бу миллатнинг шундай кавмий хусусиятлари бордирки, уларни уйготиб, ишга солишга муваффак бўлинса, йўкотган нарсаларини жуда киска муддатда тиклай олади.

Мингларча йиллик тарихимизда кизил ип бўлиб ўтган миллий хусусиятларимиздан бири жонлилик ва битмас фаолликдир...

Халкимизнинг бутун тарихий такомили давомида кўзга ташланган энг аён

хусусиятларидан бири тарихнинг биз билган давридан буён аскар бўлиб келганлиги, интизомсеварлиги, хаётнинг энг оғир мушкулотига хам тайёр туриши, машаккатларга узок муддат сабрли бўла олишидир...

Бу миллатнинг буюк жангарлар пайтида бирдан тугёнга келиши унинг истиколга мухаббати ва дунё воеаларига чин кўнгилдан берилиши хамда кизикиши билан изохланади. Бундай миллий хусусиятларини халкимиз жуда катта эътибор билан ёшларга сингдириб келади".

Тарихимизнинг миллий уйгониш даври деб аталган XX аср бошида ватан ва миллатни англаш, мустакиллик учун курашиб энг мухим масалалардан бўлган эди. Хусусан, "тараккийчилар" номи билан тарихга кирган фидойи оталаримиз бу борада катта шижаот кўрсатдилар. Замон айланиб, асримиз сўнгида мустакилликнинг долзарб масалалари Юртбошимиз томонидан кун тартибига кўйилди. Миллатнинг ўз-ўзини англашига эришиш, янги давлат, янги жамият куришда Шарқ билан Гарбдаги энг яхши анъаналарни бирлаштиришга харакат килингани бугун нечогли самара бераётганига хаммамиз гувоҳ бўлиб турибимиз.

Бу XX аср бошида маърифатпарварлик гояларини илгари сурган адиларимизнинг энг эзгу орзуладидан бири эди. Ўнинчи йилларда тузилган ва даврнинг машхур адилари, зиёлиларини атрофига бирлаштирган Мунавваркори жамиятининг номи "Турон" эди.

1918 йилда машхур Фитрат Тошкентдаги кўзга кўринган истеъдод эгаларини тўплаб, ўз жамиятига "Чигатой гурунги" деган ном берди ва бу билан адабиётимизнинг олтин асли санаб келинган XV аср — Навоий асрига ўз ихлос ва мухаббатини ифода этди. Бехбудий 1914 йилда ёзади: "Кабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтургонларни "кул" — "маркук" дерлар". Бу сўз Ч.Айтматов каламида "манкурт" номи билан кайта кашф этилгани хаммамизга маълум.

Бинмо сахари азми тавофи ватани ман,  
Ох-ох чи ватан киблагохи, жони таниман.

(Сен менинг ватанинга эрта тонгда назар сол. Хай-хай, кандай ватан бу! У менинг киблагохим, жони танимдир). Бу Фитратнинг "Сайха"сидан.

Мовароуннахрdir тарихда бизларга ватан,  
Арзигай бизлар санга хизматта бўлсак жону тан.

Бу тошкентлик Таваллонинг эътирофи.

"Хар бир кишининг тугилиб ўсган шахру мамлакатини шул кишининг ватани дейилур", — деб бошланар эди Абдулла Авлонийнинг 1913 йилда чоп этган "Туркий гулистон" китобидаги "Ватанин сўймак" фасли.

Кўриняптики, ватан мавзуси маърифатпарварлик адабиётида етакчи мавзу бўлган. Сўнг адабиётимизда ўзликни англаш, шу жумладан тарих ва ватанга миллат манфаатидан келиб чикиб ёндошиш 60-йилларда бир кадар кўзга ташландик, бунинг сабаблари вактинчалик юз берган машхур "тарихий иликлик" билан изохланади. А.Ориповнинг "Ўзбекистон — Ватанин маним", Э.Вохидовнинг "Ўзбегим" каби адабиётимизда янги бир боскич яратган шеърлари шу даврда майдонга келди. Нихоят, бу мавзуга адабиётимиз саксонинчи йиллар ўртасидан бошлаб чинакамига кайтди ва у мустакилликдан сўнг давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Бугун биз жаҳон тараккиётидаги ўз ўрнимизни, ўз йўлимизни топган мамлакатмиз. Бу йўл табиийки, инсониятнинг аклу тажрибасига зид эмас, балки ўшандан келиб чикиб танланган йўлдир, лекин Ўзбекистон йўлидир. Машхур Исмоилбек Гаспрали 1885 йилда Европа йўргаклаб олган капитализмни хам, социализмни хам атрофлича тахлил килиб, хар иккисини баравар рад этган ва учинчи бир йўлни тавсия килган эди: “Оврупо кекса бир чолдир, тажрибаси кўпдир, — деб ёзади у. — Улуг ёшига хурматимиз бор.

Тажрибасини ўрганамиз, лекин хатоларини такрорламаймиз. Мактабларини, университетларини бизлар хам курамиз. Аммо аклларимизни канча ёритсак, юракларимизни шунча “хакконият” билан тўлдирмокка харакат киламиз. Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек кўтариб югурмаймиз. Эсли-хушли инсонлардек: “Бу нимадир?” “Окибати нима бўлади?” “Виждон ва хаккониятга уйгунми?” дея акл тарозусига тортиб оламиз. Оврупо маданияти мулоҳазасиз кабул килавериш мумкин бўлган бир нарса бўлса эди, бу маданиятга Оврупонинг ўз вориси душман бўлмас эди. Яна бир бор такрорлайман: янги фанларини, кашфиётларини ва ижодларини, фойдали хизматларини инкор этмайман. Лекин ислом оламининг ислохот ва тараккиётга эҳтиёжи бўлган бир пайтда хеч бир мулоҳаза килиб кўрмасдан Оврупога таклид этишни аклдан хисобламайман”.

Президентимиз Ислом Каримов ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 149-сессиясида сўзлаган нуткида “Илдизлари асрлар каърига туташган, 3000 йилдан кўхнарок” Ўзбекистон тарихига берилаётган эътиборни, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига кўшган улкан хиссасининг эътироф этилишини мамнуният ва миннатдорлик билан кайд этдилар. Аждодлар меросини авлодларга етказмок канча шарафли бўлса, шунча масъулиятли хамдир.

Шу жумладан Ватан мухаббатини хам.

Хўш, уни ёш авлодга етказмок йўллари кандай? Аввало, гуманитар-филологик факултетлар ва ўкув юртларининг тил-адабиёт дастурларини тузишда буни хисобга олмок керак бўлади. Нофилологик факултетларда, ўкув юртларида, эҳтимол, факультатив дарслар, тўгараклар, учрашув-мулокотлар, китобхонлар конференцияси, Ватан ва Миллатни танитишни кўзда тутувчи мусобака, концерт кечалари уюштириш каби турли-туман тадбирлар оркали амалга ошириш яхши натижа берар. Менимча, бу ерда ягона андоза бўлмайди. Хамма нарсани жойлардаги мутахассис ва ташкилотчиларнинг диди, маърифати, салоҳияти хал килади. Мухими, мавзунинг кадри-эътиборини, муқаддаслигини саклай олишдир.

Бегали Косимов